

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Бошланғич таълим кафедраси**

**ПАРМОНОВА ЛАЙЛО**

**“Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тафаккурини ўстириш методикаси”**

**МАВЗУСИДАГИ**

**РЕФЕРАТИ**

Раҳбар:

педагогика фанлари номзоди  
Нуруллаева Шахло Уктамовна

**ҚАРШИ- 2012**

## *Режа:*

Кириш

1. Ёш авлод тафаккурини ўстириш – педагогик муаммо сифатида.
2. Шахс тафаккурини шакллантиришнинг психологик асослари.
3. Дидактик ўйинлар воситасида бошланғич синф ўқувчилари тафаккурини ўстириш.
4. Телевидение дастурлари - ўқувчилар тафаккурини шакллантириш воситаси сифатида.

Хулоса

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Буюк ислохотлар амалга оширилаётган шароитда мустақил фикрловчи, тафаккури ривожланган ёшларга бўлган талаб давр тақозосидир. Чунки шахсий дунёқарашга эга бўлган инсонларгина жамият тараққиётини таъминловчи муваффақиятларга эришишга қодир бўладилар. Республикада олиб борилаётган давлат сиёсатининг бош омилларидан бири ҳам мустақил фикрловчи, кенг дунёқарашга эга, иқтидорли шахсларни камол топтириш ва тарбиялашдир. Зеро, ўзгалар фикрига қарам бўлиш, турли ёт мафкураларга эргашиш психологияси жамият маънавиятини таназзулга олиб келиши шубҳасиздир. Таълимдаги янгиланиш янгича билим бериш орқали жамият, давлат, табиат ва меҳнатга муносабат тизимини ўзгартиришни ҳам кўзда тутди. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунда кўрсатиб ўтилганидек, демократик жамиятда инсон эркин ва мустақил тафаккур юритадиган қилиб тарбияланиши зарур.

Мустақил фикрлаш борликни, воқеликни идрок этиш усули сифатида тафаккур жараёнининг маҳсули саналади. У ақлий фаолият билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боисдан ҳам Президент И.А.Каримов мазкур муаммонинг моҳиятига алоҳида эътибор қаратиб шундай деган эди: «Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир»<sup>1</sup>.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга, эркин тафаккур юритишга имкон бермайдиган сабаблардан бири ўқувчилар фақат дарслик ва ўқитувчи томонидан дарс жараёнида бериладиган маълумотларга таяниб қолишларидир. Ўқувчиларга ўқитувчи томонидан кўйиладиган талаблар, кўп ҳолларда мустақил фикр юритиш эҳтиёжини туғдирмайди. Ўқувчининг мустақил фикрлашидан қаноатланилмаса унинг шахдини бўғиб, бошқача усулда мушоҳада қилишга мажбурлашнинг нафидан кўра зарари кўпроқ.

Бошланғич синф ўқувчиларини мустақил фикрлашга, муаммоларни мустақил равишда ҳал қила билишга ўргатиш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир. Модомики, шундай экан, таълим жараёнини шундай ташкил этиш керакки, токи ўқувчилар билим олиш билан биргаликда, таълим жараёнининг объекти бўлиб қолмасдан, таълим жараёнида ўқитувчининг тенг ҳамкорига айлансин.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси. -Тошкент: Шарқ, 1999. – 15-б.

## 1. ЁШ АВЛОД ТАФАККУРИНИ ЎСТИРИШ – ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Ҳаёт жумбоқларини, табиат туғдирган муаммоларни ўрганиш, уларга тегишли жавоб топиш истаги, яна ҳам тўғрироғи, бахт-саодатга эришиш муаммоси, инсоннинг ўзини ва олами билишга бўлган қизиқиши асрлар мобайнида фикрлашга, ўз фикрларини мантикий асослашга даъват қилиб келади. Шарқ алломалари асарларида бу муаммога алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Зеро, мустақил, онгли фаолият юритадиган инсонгина ўз халқи, Ватани, ота-онаси олдидаги бурчини удралай олади ва ҳар қанақа ёт таъсирларга берилиб кетмайди, инсон деган улуғ номга муносиб иш кўради.

“Тафаккур” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, изоҳли луғатда фикр юритиш, ўйлаш, фикрлаш маъноларини англатиши кайд этилади. **Тафаккур объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикос жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилиятидир.**

Шарқ ва Ғарб олимлари бу муаммони ўзлари яшаб ўтган давр ижтимоий муҳитидан келиб чиққан ҳолда ечишга ҳаракат қилганлар.

Инсон тафаккурининг беқиёс кенгликлари «Қуръони Карим» ва «Авесто»да диний асосда талқин қилинган бўлса, ўрта асрларда яшаб ижод этган Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний каби қомусий олимлар асарларида илмий-бадий усулда талқин қилинган.

Мустақил мушоҳада юритиш инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим омил эканлиги ҳақидага қарашлар Яқин ва ўрта Шарқдаги илғор педагогик таълимнинг асосчиси Абу Наср Форобий асарларида ҳам мавжуддир. А.Зуннунов, М.Хайруллаев, Н.Хотамов, Д.Шодиевларнинг «Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» номли асарида Форобийнинг билимларни ёзлаштириш жараёни ҳақидаги фикри келтирилади: «Инсон билимларни ақл ва сезиш органлари орқали қўлга киритади ... сезилувчи образлар ҳис этиш орқали, ақлий образлар эса сезилувчи образлар орқали билинади ... »<sup>2</sup>.

Форобий таълимнинг назарий муаммолари, билимларни эгаллаш, фикрлашнинг фалсафий, физиологик ва психологик асослари ҳақида ҳам кенг тўхталади. У объект ва субъектнинг ўзаро алоқаси, шахсда кечувчи мураккаб физиологик-психик жараёнлар таҳлилига катта эътибор қаратади. Жумладан, олимнинг фикрича, инсон маънавиятининг олий поғонаси руҳ, ақл ва тафаккур бўлиб, улар инсоннинг билиш фаолиятига хос бўлган ўзига хос шаклларда намоён бўлади.

Форобий инсонни мавжудотнинг энг буюк ва етук маҳсули деб атайди. У ўзининг онги, ақли, сезиш органлари орқали оламни ҳар томонлама ўрганиш қобилиятига эгадир. Инсон ақли ёрдамида бутун мавжудотнинг моҳиятини тушунади. «Ақл, - дейди у, - жисмларни бундай хислатлардан ҳоли ҳолда текширганда у фақат жисмларнинг моҳияти нимадан иборат эканлигини ва сезгилардан нималар мавҳумлаштирганини аниқлашга қаратилган бўлади. Жисмни у билан боғлиқ бўлган белгилардан ажратиб олувчи ақл фаолияти шу жисмнинг фақат моҳиятини текшириш учун амалга оширилади».

Алломанинг фикрича, инсоннинг танаси, мияси, сезги органлари туғилишда мавжуд, лекин ақлий билими, маънавияти, руҳи, интеллектуал ва ахлоқий хислатлари, характери, урф-одатлари, маълумоти ташқи муҳит, бошқалар билан мулоқотда вужудга келади. Инсоннинг ақли, фикри руҳий юксалишнинг энг етук маҳсули бўлади.

Форобий «Ақл тўғрисида»ги рисоласида ахлоқли кишининг «ўн икки туғма хислати»ни таърифлар экан, инсоннинг фикрлаш хусусиятига алоҳида аҳамият беради. Олим, ақл-заковатли инсон барча масала юзасидан ўтказиладиган муҳокама ва мулоҳазани тез ва тўғри тушунадиган, унинг маъносини англаб сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган, хотираси жуда бақувват бўлиб, кўрган, эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб

---

<sup>1</sup> Зуннунов А. Хайруллаев М., Хотамов Н., Шодиев Д. ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. – Тошкент, 1996. –123-бет.

қоладиган, зеҳни бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани англатишини тезда билиб оладиган, фикри ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво баён эта оладиган, билимларни осонлик билан ўзлаштира оладиган бўлишини алоҳида таъкидлайди<sup>3</sup>.

Файласуф олим А.Чориев «мустақил шахс» тушунчасини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилар экан, у ўзида учта компонентни: мустақил фикрлашни, мустақил ишлашни, мустақил яшашни мужассамлаштиришини таъкидлаб ўтади ва мустақил фикрлашнинг инсон фаолиятига таъсири ҳақида шундай дейди: « ... шахс мустақиллиги, энг аввало, унинг фикрлаш тарзига, фикр-мулоҳаза юритиш қувватига боғлиқ бўлади. Худди шу қобилият туфайли инсон ўзи кўрган, билган, эшитган, атрофида содир бўлаётган ҳодисалар, воқеалар, жараёнларнинг моҳиятини, уларнинг тўғри ёки нотўғри, чин ёки ёлғонлигини аниқлайди. Аниқроқ қилиб айтганимизда, инсон худди шу қобилияти туфайли кундалик турмушимизда вужудга келган муаммолар ечимини топади»<sup>4</sup>.

## **2. ШАХС ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Шахсда мустақил фикр юритишни шакллантириш – бу нафақат кенг қамровли ёндашувни талаб қиладиган илмий психологик муаммолардан биридир, балки фан ва техниканинг бугунги кундаги жадал ривожини, янгича таълим технологияларини ўқув жараёнига жорий этилганлиги мустақил фикрлашни таъминловчи энг қулай ва оқилона ўқув жараёнини ташкил этиш муаммосини долзарб қилиб қўймоқда.

Мустақил фикрлаш шахснинг хислати сифатида ҳар қандай фаолият турида индивидуал ёки гуруҳий ютуқларга эришишда юқори кўрсаткични таъминлайдиган муҳим

---

<sup>3</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдлик. (–Тузувчи муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очил).- Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 109-б.

<sup>4</sup> Чориев А. Инсон фалсафаси. Иккинчи китоб. мустақил шахс. – Тошкент: Chinog ENK, 2002.-271 б.

омиллардан бири бўлиб, унинг феноменологияси талқинида тафаккурнинг ижодийлиги алоҳида ўрин тутди. Психологияда ушбу муаммонинг ҳам назарий ҳамда амалий тадқиқи бағишланган кўплаб изланишлар мавжуддир.

Кузатишларга қараганда, мустақил фикрлаш, авваламбор, янги савол, янги муаммони кўра билиш ва қўя билиш, сўнгра уни ўз кучи билан ҳал қилишда намоён бўлади. Ёки, мустақил фикрлаш ўқувчиларнинг шундай фаолиятики, унда энг юқори даражадаги фаоллик, ижодкорлик, мустақил ҳукм чиқариш ва ташаббускорлик намоён қилинади. Натижада ўқувчилар шу жараёнда:

- билимларни мустақил равишда янги вазиятда қўллаш;
- мавзуларни ўрганиш давомида янги муаммони кўра билиш;
- бир муаммонинг бир нечта (альтернатив) ечимлари бўлиши мумкин-лигини

англаш;

- аввал маълум бўлган муаммоларни ҳал қилиш усуллари комбинациялаш;
- муаммони ҳал қилишнинг оригинал усуллари топа билиш малака-ларини

эгаллай борадилар.

Тафаккурнинг етарли даражада ривожланмаслиги, тадқиқотчи М.Саидов таъкидлаганидек, «ўқувчи фаолиятида тез-тез дуч келадиган сўз қашшоқлиги, фикрнинг мантиқан баён қила олмаслик, фикрнинг мустақил изчилликда бера олмаслик, баён қилиниши лозим бўлган фикрларнинг мантиқий бўлакларга ажрата олмаслик, мавзу талабидан четга чиқиши»<sup>5</sup>га олиб келади. Бу эса масаланинг ғоятда муҳимлигини кўрсатади.

Психолог З.Нишонова эса мустақил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

1. Ўзининг ва «ўзгаларнинг» фикрини танқидий баҳолашда шахснинг тажрибаси, ўзга шахснинг фикрини тушуниш қобилияти, унинг фикридаги мантиқни тушуниш, суҳбатдошнинг фикрларини ўз фикрлари билан таққослай олиш ва маълум хулосага келиш;

2. Шахснинг фикр мазмуни билан ташқи ва ички келишув;

3. Қарама-қаршиликларни ҳис қила олиш;

4. Тафаккурда назарий ва амалий умумлаштиришнинг нисбати;

5. Диққатда намоён бўладиган ақлий функцияларнинг ихтиёрий бошқарилиши;

---

<sup>5</sup> Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. 4-б.

6. Ақлий ташаббускорликнинг ривожланиш даражаси<sup>6</sup>.

Психология фанлари доктори Э.Ғозиев ва педагогика фанлари доктори Ж.Икромовлар мустақил фикрлаш жараёни ва унинг комилликка таъсирини таҳлил қилар эканлар, мустақил фикр юритиш қуйидаги босқичлардан ташкил топиши мумкинлигини таъкидлаб ўтадилар:

1. Муаммонинг пайдо бўлиши.
2. Масала, муаммо, топшириқ моҳиятини англаш.
3. Ўхшаш маълумотлар ёки образларнинг вужудга келиши.
4. Тасаввур ва хотира материалларининг камайиши, тахминлар (фаразлар)нинг туғилиши.
5. Тахминларни текшириш ёки уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш.
6. Янги тахмин (фараз)нинг юзага келиши.
7. Фаразларни иккиламчи текшириш.
8. Масала, топшириқ, муаммо ечимини топиш (ҳал қилиш).
9. Ихтиёрсиз ақлий хатти-ҳаракатлар давом этиши (фикрлашнинг нисбий давомийлиги) ва ҳоказо<sup>7</sup>.

Ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш узлуксиз таълим тизими олдидаги шахс тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг зарур шартларидан биридир. Инсон ўз хатти-ҳаракатлари, фаолияти давомида қай даражада мустақил фикрли бўлса, шу қадар тушунчаси кенг, ақл-идроқи юксак ҳисобланади. Фикр нутқ орқали ифода этилиши назарда тутилса, она тили таълими олдида нечоғли масъулиятли вазифани ҳал қилиш масаласи турганини англаш қийин эмас.

Илмий адабиётлар таҳлили ва изланишлар асосида бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) ўрганилаётган материални мустақил таҳлил қила билиш;
- 2) муаммони ҳал эта билиш;
- 3) ҳодиса ва жараёнлардаги белгиларни таққослаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш;
- 4) ўз фикри ва тушунчасини мантиқий далиллаш, фикрларни равои ифодалаш;
- 5) ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш билиш.

---

<sup>6</sup> Нишонова З. Мустақил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари // Ж. Халқ таълими. – 2001. - №1. – 35-бет.

<sup>7</sup> Ғозиев Э., Икромов Ж. Мустақил фикрлашнинг комилликка таъсири // Ж. Халқ таълими. – 2001. - №4. 35-бет.



Ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш жамият ҳаётида туб бурилишлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда, айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Негаки мамлакатимизда юксак эътиқодли, мустақил фикрли, ташаббускор, юқори малакали мутахассисларга ҳар қачонгидан ҳам катта эҳтиёж бор.

Муаммо юзасидан олиб борилган кузатишлар натижасида ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда она тили таълими катта имкониятларга эга эканлиги исботланди. Чунки тафаккур нутқ воситасида ифодаланади, у айна чоқда шахслик сифатларини таркиб топтиришнинг ҳам муҳим омилidir.

Ўқувчиларнинг шахслик сифатларини таркиб топтиришда ўқув предметларининг ўрни беқиёс каттадир. Бу борада, айниқса, она тили таълими зиммасига катта масъулият тушади.

Э.Ғ.Ғозиев тадқиқотида инсон тафаккури мустақил ва номустақил тафаккурга ажратилиши таъкидланади: «Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига конкрет мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характердаги фараз қилиши, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган вазифани ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасисиз, унинг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушунишдир. Мақсад, муаммо ва вазифалар ўзга шахс томонидан қўйилиб, тайёр усул ва воситаларга таянган ҳолда ўзга кишиларнинг бевосита ёрдами билан амалга оширилиш жараёнида бироз иштирок этган тафаккур эса номустақил тафаккур дейилади»<sup>8</sup>.

Тафаккурнинг мустақиллиги ақлнинг серташаббуслиги, пишиқлиги, ва танқидийлигида намоён бўлади. Ақлий серташаббусликда ва эркин фикрловчи шахснинг ақлий фаолиятини ташкил этишда ўқув фаолиятининг индивидуал, гуруҳий усулларининг ўзаро уйғунлашуви содир бўлади. Мазкур фаолиятда когнитив (билиш), мотивацион, конитив (хулқ-атвор) ва фикр алмашинув сингари қирралар бирлиги таъминланади.

Шунингдек, Э.Ғ.Ғозиев ақлнинг танқидийлиги хусусида фикр юритиб, ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ҳамда намоён бўлган мулоҳазаларга, муаммоларга, муаммоли вазиятга баҳо бера билишда ақлнинг танқидийлиги объектив ва субъектив равишда ифодаланишини, агар танқидийлик оқилона муҳим белгиларга, муаммо моҳиятини тўғри очилишига асосланиб амалга ошса, бундай танқидийлик объектив дейилишини, мабодо тафаккурнинг танқидийлиги субъектив

---

<sup>8</sup> Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –105-б.

хатоларга, умуман субъективизмга оғиб кетса, салбий оқибатларга олиб келишини илмий асослаб беради.

Шахс тафаккурининг ривожланганлиги, мустақиллиги сифатларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

а) элементар тафаккур жараёнларининг шаклланганлиги – яъни таҳлил қилиш, анализ, таққослаш, муҳим жиҳатни ажратиш;

б) тафаккурнинг фаоллиги, унинг эркинлиги, яъни ностандарт ғояларнинг туғилиши жараёнидаги эркинлик ва бир ғоядан иккинчисига ўтишдаги эгилувчанлик;

в) тафаккурнинг ташкилланганлиги ва мақсадга йўналганлиги, бошқача айтганда, ҳар бир инсон томонидан тафаккур ёки фикрлаш жараёнига хосликни англаш ва уни назорат қилишдир.

Шундай қилиб, шахс хислати сифатида қараладиган мустақил фикрлаш жараёни унинг ақлий фаолиятидаги ундовчи ва бажарувчи функциялари орасидаги муносабатнинг ўзгариши, бу функциялар ҳар бирининг қайта ўзгариши, ундовчи функциянинг роли ортиши ва ақлни бошқаришда уларнинг бажарувчи функциясига қулай таъсир кўрсатиш билан тавсифланади.

Демак, мустақил фикрлаш шахснинг шундай фикрлаш қобилиятики, бундай фикрлаш жараёнида инсон нарса ва ҳодисалар хусусида ўз қарашларига эга бўлади.

Биз мустақил тафаккур ҳақида фикр юритар эканмиз, албатта унинг индивидуал психологик хусусиятлари хусусида ҳам тўхталишимиз жоиздир. Зеро, ҳар бир кишининг тафаккуридан фарқ қилувчи хусусиятлари ҳам мавжуд. Бу хусусиятлар сифатида:

- тафаккурнинг мустақиллиги – бу ўз тажрибасидан унумли ва ижодий фойдаланиб, атрофдагилар фикридан ташқари мустақил ўз шахсий фикрига эга бўлишда, янги муаммони кўра олиш ва уни ҳал эта билиш қобилияти;

- тафаккурнинг танқидийлиги – белгиланган меъёрларга нисбатан ўз-ўзига, бошқаларга қиёсий баҳоси;

- тафаккурнинг чуқурлиги – объект мазмунини топишда, анализ қилиш, таққослашда ўз ифодасини топиши;

- тафаккур ихчамлиги - вазифани ҳал этишда оптимал вариантлар жавобларини топишда, кераксиз йўлни ўзгартириш укувига эга бўлиши;

- фикр тезлиги – инсоннинг қисқа вақт ичида керакли оптимал қарорни қабул қила олиш қобилияти;

- тафаккур ривожланишининг муҳим кўриниши – муҳим томонларни ажрата билиш укуви, барча янги умумлаштиришларни мустақил амалга ошира олишликни кабиларни кўрсатиш мумкин.

Тафаккурнинг юкорида кўрсатилган индивидуал хусусиятларини таълим амалиётида ҳисобга олмоқ лозим. Бу, ўқувчиларга шахсий индивидуал ёндашувни амалга оширишга имконият бериб, уларнинг тафаккурини мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тўғри шакллантиришга кўмак беради.

### **3. ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ВОСИТАСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАФАККУРИНИ ЎСТИРИШ**

Бошланғич синф ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатиш бир кунда ёки бир соатлик дарс давомида амалга оширилмасдан, балки йиллар давомида босқичма-босқич турли омиллар таъсирида амалга ошириладиган жараёндир.

Олиб борилган кузатишларга қараганда таълим методларининг барчаси ҳам ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш воситаси бўла олмайди. Аммо дарсда турли методларни қўллаш орқали таълим самарадорлигини оширишга, билимларни эгаллаш жараёнининг зерикарли бўлмаслигига эришиш мумкин.

Бошланғич синф она тили дарсларида фаол қўлланиладиган **дидактик ўйинлар** ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ўстиришда муҳим ўрин тутаяди.

Ўйин кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятидан келиб чиқадиган бўлсак, ўйин дунёни ва ўзлигини англашда, қизиқишларини қондиришда асосий восита ҳисобланади. Таълимий ўйинлар билимларни ўзлаштириш жараёнини енгиллатиш ва ўйин орқали билим бериш мақсадида яратилган.

Биз дидактик ўйинларни мазмунига кўра тинч ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, аралаш типдаги ўйинлар; шаклига кўра мусобақа ўйинлари, сахна ўйинларига ажратдик.

**Ҳаракатли ўйинларга** она тили таълими жараёнида қўлланиладиган мусиқали ўйинлар ва сахна ўйинларини мисол қилиб келтириш мумкин.

**Аралаш ўйинлар** ўзида ҳам ҳаракатли ўйинлар, ҳам тинч ўйинлар элементларини акс эттиради.

Таркатма материаллар асосида уюштириладиган ўйинлар, сўз ўйинлари, кесма харфлар билан ўтказиладиган ўйинлар **тинч ўйинларга** мисол бўла олади.

Таълим жараёнида уюштириладиган дидактик ўйинлар ҳам ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш воситаси саналади. Дидактик ўйинларга дам олиш ёки вақт ўтказиш воситаси эмас, балки таълим берувчи фаолият деб қараш лозимдир.

**«Ҳикоя».** Ўқитувчи хаттахтага бир нечта сўз ёзиб қўяди. Ўқувчилар мустақил равишда шу сўзлар иштирокида ҳикоя тузадилар. Шу жараёнда уларнинг луғат бойлиги ошиши билан бирга, гапларни тўғри тузиш, товушларни тўғри талаффуз қилиш, ижодий ва мустақил фикрлаш қобилияти шаклланади.

Ўқитувчининг вақти-вақти билан рағбатлантириши ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончини орттиради. Бу ўйиндан дарсдан ташқари машғулотларда, тўғаракларда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Масалан: Нафиса, соат, ёмғир, китоб.

**«Топағон».** Ўқитувчи бирор белги асосида савол беради. Ўқувчилар шу белгини ўзида акс эттирган предметлар номларини айтадилар. Энг кўп тўғри жавоб топган ўқувчилар ғолиб саналади. Бу ўйинни ўтказиш ўқувчиларга сўз туркумлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар бериш жараёнини енгиллаштиради. Бундан ташқари, ҳозиржавоблик, мустақиллик, зийраклик, ижодкорлик каби сифатларни шакллантиради.

Савол: Нима оқ рангда?

Жавоб: қоғоз, дафтар, булут, парда, қор, бувимнинг сочлари, ..

**«Нотўғри жумла».** Бу ўйин суратлар асосида ўтказилади. Ўқитувчи суратни тасвирлаб бериш давомида суратга тегишли бўлмаган жумлаларни ҳам ишлатади. Ўқувчилар зийраклик билан шу жумлани топишлари лозим.

Ўқувчилардан бу ўйин давомида зийраклик, синчковлик, кузатувчанлик ва диққат талаб қилинади. Улар суратни синчковлик билан кузатиш билан бир қаторда ўқитувчининг ҳикоясини ҳам диққат билан тинглаб турадилар. Ҳар бир нотўғри жумлани топиш уларнинг ўзига бўлган ишончи ва дарсга қизиқишини орттиради.

Бу ўйиндан фақат она тили дарсларида эмас, дарсдан ташқари машғулотларда ҳам фойдаланиш мумкин.

**«Бўлиши мумкин эмас».** Ўйин давомида ўқитувчи матнни ўқийди. Ўқувчилар бўлиши мумкин бўлмаган воқеалар ифодаланган жумла ёки гапни топишлари лозим.

Ҳазил-мутойиба билан ўтадиган бу ўйин зийраклик, синчковлик ва кузатувчанликни талаб қилиши билан бирга, ҳикоя тинглаш кўникмасини шакллантиришга ҳам ёрдам беради.

Бу ўйин бир неча марта ўтказилгач, кейинчалик ўқувчиларга мустақил равишда шундай ҳикоячалар тузишни ҳам топшириш мумкин.

Намуна: Душанба дам олиш куни бўлгани учун Олим мактабга бормади. У синглиси Вазира билан ҳайвонот боғига борди. Улар ҳайвонот боғида сувда сузиб юрган шерни, қафасда сайраётган балиқларни ва каттакон ваҳший булбулни кўрдилар.

«**Давом эттир**». Бу ўйинда ўқитувчи ҳикоя бошлайди. Ўқувчилар уни мустақил давом эттирадилар. Бунда ўқувчиларда ижодкорлик, мустақил фикрлаш қобилияти ривожланиб, баён ёки иншо каби ижодий ишлар ёзиш кўникмаси ривожланади ва сўз бойлиги ортади. Бундан ташқари, уларда ўзига ишонч ҳисси шаклланиб боради.

«Давом эттир» ўйинидан она тили, ўқиш дарсларида ёки дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Масалан: «Бугун мен барвақт мактабга келаётганимда ...».

«**Сафар**». Ўқувчиларга мактабдан ёки ўз уйларида маълум бир жойгача бўлган йўлни тасвирлаш топширилади. Ўқувчилар бир неча кун давомида «объект»ни кузатадилар ва уни оғзаки тасвирлаб берадилар.

Синчковлик, зийраклик, кузатувчанлик, атроф-муҳитга диққат-эътибор талаб этиладиган бу ўйин воситасида Ватанга эътиқод, табиатга муҳаббат ҳисларини тарбиялаш мумкин. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг нутқи ривожланади, луғат бойлиги ортади, мустақил фикрлаш малакалари шаклланади.

Шу билан биргаликда ўқувчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини қай даражада билишларини ҳам аниқлаш мумкин. «Сафар» ўйинидан мустаҳкамлаш дарсларида ёки дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Масалан: Уйдан спорт мажмуасигача бўлган йўл.

Мен дарсдан кейин спорт мажмуасидаги кураш тўғарагига қатнайман. У ерга бориш учун уйдан чиқиб, чап қўл тарафга қараб юраман. Катта йўлдан ўтиш учун пиёдаларга ажратилган йўлак бўйлаб бориб, светофорнинг яшил чироғи ёнганда махсус ажратилган жойдан ўтиб оламан. Тўғрида спорт мажмуаси кўришиб туради.

«**Ўйин-топишмоқ**». Бу ўйиндан дарснинг маълум бир қисмида кичик ҳажмда ёки дарсдан ташқари машғулотларда катта ҳажмда фойдаланиш мумкин. У қуйидаги тартибда ўтказилади. Ўқитувчи бирор бир нарсани топишмоқлар ёки сўзлар воситасида уч марта таърифлайди. Биринчи таъриф мураккаб, иккинчи таъриф энгилрок, учинчи таъриф эса жуда энгил бўлади. Биринчи таърифданок тўғри жавобни топган ўқувчига «3» балл, иккинчи таърифда тўғри жавобни топган ўқувчига «2» балл, учинчи таърифда тўғри жавобни топган ўқувчига эса «1» балл берилади. Бу ўйинни бир ўқувчи билан оғзаки ёки кўпчилик ўқувчилар билан ёзма равишда ўтказиш мумкин.

Бундай ўйинлар ўқувчилар учун қизиқарли бўлиб, уларнинг фикрлаш даражасини аниқлаш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Масалан:

1-таъриф: Айтишларича, у шунақа оқ кўнгил эканки, мабодо бирор кишини чақиб қўйса, хафа бўлганидан, ўзи ҳалок бўлар экан.

2-таъриф: У ҳашоротнинг номига ширинлик номи ҳам қатнашган.

3-таъриф: Гулдан-гулга қўнар у,  
Шарбат йиғиб жўнар у.  
Йиғиб ўзи емайди,  
Уясига тўплайди.  
Ҳосили мен-у сенга,  
Ким номин айтар менга?


(Асалари)

«Ребус». Ребус бошланғич синф ўқувчиларида жуда содда кўринишда берилиб, сурат, белгилар асосида ҳал этиладиган бошқотирмадир.

Ребусларни ҳал этиш учун, авваламбор, суратда нима тасвирланганини топиш лозим бўлади, шундан сўнг шартли белгилар асосида янги сўз ҳосил қилинади. Шу тариқа ребус ҳал этилади ва у ерда қандай сўз яширингани топилади.

Масалан, қуйидаги ребусда «Тинчлик бахт келтирар» ҳикматли сўзи яширинган.

2.3.2-расм



Дидактик ўйинлар қуйидаги 2 босқичда амалга оширилади:

1-босқич: Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларни дарсгача бўлган вақтда тайёрлайди. Тайёргарлик шундан иборатки, ўқувчилар дарсга керакли ўқув қуролларини олдиндан тайёрлайдилар, мавзуга оид материаллар билан мустақил танишадилар, дарслик ва бошқа назарий материалларни кўздан кечирадилар.

2-босқич: Бу босқичда ўқувчиларга ўйин моҳияти тушунтирилади, роллар бўлиб берилади, манбалар билан таништирилади ва ўйин амалга оширилади.

Дидактик ўйинларни ўтказишда ўқитувчининг ўрни жуда муҳим. Ўқитувчи ўйин ва унинг қонун-қоидаларини ўқувчиларга етказди ва ўйинда бевосита иштирок этиб улар билан ҳамкорликда фаолият юритади, турли талабларни бажаришда намуна бўлиб хизмат қилади, қўшимча маълумотлар бериб боради.

Ўқитувчи дидактик ўйинларни ўтказишга тайёргарлик жараёнида қуйидаги талабларга риоя қилади:

- танланган дидактик ўйинлар ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мос бўлиши;

- ҳар бир ўйин педагогик ва психологик жиҳатдан асосланган бўлиши;

- ўзлаштирилган билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериши;

- бир хилдаги ўйинларнинг кўп такрорланишига йўл қўймаслик;

- ўйинни ўтказишдан аввал ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам пухта тайёргарлик кўриши;

- ўйин якунида ғолиб ва билимдон ўқувчиларни рағбатлантириб бориш.

Биз юқорида мисол тарзида келтирган дидактик ўйинлар барча қонун-қоидалар ва принциплал талабларга риоя қилиб ўтказилса, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишга самарали таъсир қилиши шубҳасиздир.

#### **4. ТЕЛЕВИДЕНИЕ ДАСТУРЛАРИ - ЎҚУВЧИЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

Айрим гуруҳ вакиллари телевидениени асрнинг фожиаси деб қарайдилар. Уни инсоният учун “Ахборот - кўнгилочар гиёҳвандлик” ҳисоблайдилар. У инсониятни ўзига маҳлиё қилади, катта одамнинг тафаккур ва хулқ атворини, идрокини стереотиплаштириб олади, одамларнинг фантазиядан, ижодий ташаббусдан мустақил йўналишдан маҳрум

этади. Телевидение оилада, дўстлар билан бўладиган шахслараро муносабат имкониятини камайтиради, мулоқотни расмий ва юзаки қилиб қўяди.

Статистик маълумотлардан аён бўлишича бўш вақтнинг бўлишига қарамай, болалар билан ота- оналарнинг турли мулоқот йўсинлари сезиларли даражада камайган. Янада ачинарлиси, болалар ва ўспиринларнинг китоб ўқишга қизиқишлари пасайган, улар осон йўлга ўтиб олишган, яъни телевидениядан берилаётган ахборотлар билангина қониқиш хосил қиладилар. Бу албатта ақлни зўриқтириб китоб ўқишдан кўра осонроқдир.

Америкалик тадқиқотчи В.Декарт телевидениенинг болалар учун хатарли томонларини кўрсатиб ўтди: “Телевидение болаларда муайян олам ҳақидаги тасаввурларнинг камайишига, ўқиш ва ўйин фаолиятларига жиддий таъсир қилади. Улардаги фантазия, ижтимоийлашув, нутқининг ривожланиши, мулоқотларнинг шаклланиши ана шу фаолиятларда рўй беради. Болалар қанчалик кўрсатувларни кўп кўрса, уларда шунчалик диққат кўламининг камлигига, унинг турғунлигининг етишмаслигига олиб келади”. Бу фикрлар телевидениенинг салбий таъсир қиладиган томонлари ҳақидадир.

Яна бир тоифа фикрларга кўра телевидение асрнинг мўжизасидир. У кишилар маънавий ҳаётининг ажралмас қисмидир. Замонавий оммавий ахборот воситалари амалий жиҳатдан ер шарининг ҳар қандай жойидан, космосдан, денгизми океан тубидан дейсизми, умуман чексиз фойдали ахборотларни кенг оммага етказди.

Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, “оммавий ахборот воситаларидан қайси бирини маъқул кўрасиз?” деган саволга болаларнинг 84.7 фоизи телевидениени, 13.2% радиони, 2.2% матбуот деб жавоб берганлар. Бу жавоблардан ҳам телевидениенинг мавқеи анча юқорилиги кўринади, Ахборотни қабул қилишда, телевидениенинг афзаллиги шундаки, у аудио визуал воситадир, яъни овозли нутқ ва овозли кўрсатувдир.

Телевидение ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга бўлган муҳим ижтимоий механизмдир. У инсон ва жамият ҳаётига чуқур кириб борган. Демак у бир қатор вазифаларни ҳам амалга оширади. Қуйида телевидениенинг анна шундай функциялари ҳақида тўхталиб ўтаемиз.

**1. Ахборотларни етказиш вазифаси.** Телевидение бошқа ОАВ сингари инсоннинг ва жамиятнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш вазифасини бажаради. Бироқ, телевидениенинг бошқа ОАВ дан фарқли ва устун жиҳати шундаки, у ахборотларни тезкор, кўргазмали, асосли, ишончли ва тўлиқ тарзда етказиш имкониятига эга. Ҳозирги кунда ҳар бир инсондан жамият иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётига доир ахборотлардан хабардор бўлиб туриш талаб этилмоқда. Бунинг учун ахборот таҳлилий



кўрсатувлар асосий восита ҳисобланади ва улар ҳар бир телеканал орқали намойиш этилмоқда. Бундай кўрсатувлар орқали мамлакат ва дунё ҳаётида муҳим ўрин тутадиган янгиликлар ва меъёрдан ташқари бўлган ҳолатлар (куролли тўқнашувлар, табиий офатлар) ҳақида маълумот бериб борилади. Телевидение ходимларининг бундай фаолиятлари уларнинг томошабинлар ўртасида мухлисларни кўпайтириш, телеканал обрўси ва рейтингини оширишга бўлган интилишлари билан боғлиқдир.

**2. Маънавий-маърифий-маданий функциялари.** Ҳар қандай телекўрсатув қайсидир маънода инсонни маданий-маърифий қарашларга жалб этади. Айрим кўрсатувлар бу мақсадга бевосита қаратилган бўлса, айрим кўрсатувлар билвосита бу мақсадни амалга оширади. Кўрсатувни томоша қилар экан, томошабин беихтиёр журналист, бошловчи ёки бошқа иштирокчиларни хатти-ҳаракатлари, нутқи, кийиниши ва камера олдида ўзини тутишига эътибор қаратади. Шунингдек, қандай кийиниш керак, қандай сўзлашиш ёки омма олдида ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида тасаввур ҳомил қилиб боради. Шунинг учун ҳам телебошловчиларга жуда ката талаблар қуйилади ва улар ҳам ташқи қиёфаси, ҳам маънавияти, ҳам нутқига кўра танлаб олинади.

**3. Интегрatív функция.** Телевидение бошқа ОАВ дан фарқли равишда жамиятнинг турли ижтимоий ва маданий қатламлари орасида алоқани таъминлайди. Яъни, бир телеканал ёки телекўрсатувни бир вақтни ўзида турли ёш ва турли ижтимоий қатлам вакиллари томоша қилиши мумкин. Бу эса ўз-ўзидан уларнинг аста-секинлик билан бир хил фикрлашларига олиб келиши мумкин. Улар айна бир воқеа ва ҳодисага бир хилда муносабат билдира бошлайдилар ва ўхшаш фикрлайдилар.

**4. Ижтимоий-педагогик ёки бошқарувчилик функцияси.** Телевидение томошабинлар аудиториясини ва умуман жамият аъзоларини тарбиялаш ва бошқариш жараёнида бевосита иштирок этади. Телевидение воситасида аҳоли ўртасида маълум турмуш тарзи ташвиқот қилинади, маълум бир сиёсий, ахлоқий, ижтимоий қарашлар шакллантирилади, маънавий кадриятлар ва дунёвий билимлар ҳақидаги тасаввурлар ҳосил қилинади. Телевидениенинг ижтимоий-педагогик ва бошқарувчилик функцияси интегрatív ва ахборотларни етказиш функцияси билан чамбарчас боғлиқдир.

**5. Ташкилотчилик функцияси.** Ташкилотчилик ва бошқарув функцияси бу битти тушунча эмас. Телевидение баъзан аниқ мақсад асосида, баъзан мажбуран ёки тасодифан айрим тадбирларнинг ташкилотчиси сифатида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритади. Бунга мисол тарзида хайрия телемарафонларини, ижтимоий сўровларни, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш тадбирларини ёки йўл ҳаракати хавфсизлигига доир тадбирларни келтиришимиз мумкин.

**6. Таълимий функция.** Ҳозирги кунда қатор Ғарб мамлакатларида доимий равишда таълимий дастурларни намойиш этувчи телеканаллар фаолият юритмоқда. Бундай телеканаллар билим олувчиларга ёрдам тарзида қўшимча маълумотлар сифатида (тил ўрганувчилар учун ёки абитуриентлар учун) ёки қўшимча билимларни ўзлаштириш учун ўқувчиларга ёрдам сифатида ташкил этилади.

**7. Рекреатив функция.** Телевидениенинг бу функцияси журналистика билан бевосита алоқадор бўлмасда, телевидение учун характерлидир. Рекреация – бу ҳордиқ, дам олиш, саломатлик ва кучни тўплаш демакдир. Кўпгина инсонлар телевизор каршисида дам олишни маъкул кўрадилар. Бунинг сабаби эса телевидение орқали жуда кўп рекреатив характердаги кўрсатувлар намойиш этилишида. Рекреатив характердаги телемахсулотлар (клиплар, комедия жанридаги фильмлар, танловлар, шоулар) махсус телекомпанияларда тайёрланади.

Хуллас, телевидение каналлари инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади, улар онгидаги ахборий бўшлиқни ва бўш вақтини тўлдиради. Аммо, ҳозирги кунда телевидениедаги ҳолатни ва унинг фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Чунки унинг кўрсатувлари аҳолининг турли ёшдаги қатламлари ҳаётини тўлиқ қамраб ола олмаган. Масалан, кичик мактаб ёшидаги болалар учун мўлжаллаб тайёрланаётган кўрсатувлар жуда камчиликни ташкил этади. Мавжудлари ҳам талабга жавоб бермайди. Кейинги бобда телевидениенинг болалар учун мўлжалланган дастурлари таҳлилини келтирамиз.

Тадқиқот ишимизнинг асосий мақсади болалар ҳаётидан, уларнинг таълим-тарбиси жараёнидан телевидениени сиқиб чиқариш эмас, балки телевидение дастурларидан нафақат болалар бўш вақтини самарали ташкил этиш воситаси сифатида, балки таълим жараёнида ҳам фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат эди. Мана шу мақсад асосида телевидение дастурларининг бошланғич синф дарслари жараёнида фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик.

Бошланғич таълим дастурини ўрганишимиз шуни кўрсатдики, агарда телевидение дастурларидан таълим жараёнида фойдаланадиган бўлсак, яъни таълим ва телевидение интеграциясини амалга оширсак, таълим жараёни самарадорлиги анча ошади.

Бошланғич синф она тили дарсларида баён, иншо ёки ижодий диктант ёздиришда ҳафта давомида болалар учун намойиш этилган мультфильмлар ёки бадиий фильмлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, бошланғич синфларда муҳокама элементи мавжуд бўлган иншо ёзишда телевидение материалларидан фойдаланиш мумкин.

Муҳокама элементи ҳикоя жанридаги ёки тасвирий иншода ҳам бўлиши мумкин. Алоҳида тарзда бирор бир бадиий асар, кўғирчоқ театри томошаси ёки мультфильм томошасидан сўнг ўтказилиши мумкин.

Иншо ёзиш жараёнида ўқувчилар телевидение материаллари асосида ўқитувчи кўрсатмасига биноан материал тўплайдилар, уни бир тизимга соладилар, режа тузадилар, сўз танлайдилар, жумлалар тузадилар, ва уларни мантиқий жиҳатдан боғлайдилар. Бундай интеграцион фаолият ўқувчилардан зийракликни, ақлий имкониятларни тўла ишга солишни, маънавий фаолликни талаб этади.

Бундай иншолар ўзбек халқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш “Зумрад ва Қиммат” эртаги асосида ишланган мультфильм ёки “Филча нега изза бўлди?”, “Туз ҳақида афсона” номли мультфильмлар асосида ўтказилиши мумкин.

Табиатшунослик дарсларини ташкил этишда “Ўзбекистон табиати”, “Олам ва одам”, “Ҳашоратлар”, “Бир ўлка-ки”, “Мўъжизавий дунё” каби ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мумкин.

Одобнома ёки ўқиш дарсларида “Минг бир ривоят”, “Ватан манзиллари”, “Тарих кўзгуси”, “Маънавият” каби дастурлар матриалларидан фойдаланиш мумкин.

Олиб борган тажриба-синов ишларимиз шунини кўрсатдики, бошланғич таълим жараёни ва телевидение интеграцияси ўқувчилар дунёқарашини бойитишга, телевидение дастурларига жиддий ва ижодий муносабатни шакллантиришга, дунё ҳақидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қилади.

Бошланғич синф ўқитувчилари ва ўқувчиларнинг ота-оналари билан педагогик ўқишлар ташкил этиш бола таълим-тарбиясида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишни, боланинг ҳар томонлама камол топишига кенг йўл очиб берадиган имкониятлардан бири ҳисобланади. Зеро, ёш авлод таълим-тарбиясида муаммоларни ҳал этишда педагогик малакага эга бўлиш, нафақат ўқитувчи, балки ота-она учун ҳам муҳимдир.

## ХУЛОСА

Муаммога оид илмий изланишлар ва адабиётлар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш иқтидорига эга бўлиши ўқув-билув кўникма ва малакаларига ижобий таъсир кўрсатади. Шунга кўра ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгилаб қўйилган таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш талабларига тўла мос келади. Аммо ўқувчиларнинг билиш фаолиятини шакллантиришга бағишланган адабиётларнинг назарий таҳлили ва педагог олимларнинг қарашларига қараганда бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил фикрлаш фаолияти моҳиятини тушунишда ҳозирча яқдиллик йўқ.

2. Ўқувчиларнинг фаолияти мустақил ижоднинг турли даражаси билан кечиши мумкин. Аммо уларнинг ҳар қанақа мустақил фаолияти, албатта, ўқитувчи томонидан ташкил этилади: шароит яратилади, кўрсатмалар берилади.

3. Она тили таълими жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асосларига оид изланишлар ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида индивидуал ва типик хусусиятлар мужассамлашишини кўрсатади.

4. Бошланғич синф она тили дарсларида қўлланиладиган дидактик ўйинлар таълим жараёнининг қизиқарлилигини ошириш ҳамда таълим самарадорлигини кўтариш билан бир қаторда ўқувчилар тафаккурини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

5. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар қизиқишларини инобатга олган ҳолда, телекидение дастурларидан таълимий мақсадларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқитувчилар замонавий техник воситалардан самарали фойдалана билишлари лозим.

## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод орзуси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –20-29 б.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- 31-61 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси. -Тошкент: Шарқ, 1999. – 8-30-б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқа. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –48 б.
6. Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни –халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –30 б.
7. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. -178 б.
8. Адизов Б. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед. фан. док. ... дис. –Тошкент, 2003. – 276 б.
9. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1985. - 290 бет.
10. Бобомуродова А. Она тили таълими жараёнида ўйин топши-риқларидан фойдаланиш: Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 1996. –146 б.
11. Богоявленский Д.Н. Развитие самостоятельности мышления школьников как основа активных методов обучения: Сб. Пути повышения качества усвоения знаний в начальных классах. – Москва, 1962. – 280 с.
12. Давидов В.В. Виды обобщения в обучении. – Москва: Педагогика, 1972. -423 с.
13. Жалилова М., Неъматова Г. Такрорлаш машғулотларини «Топқирлар беллашуви» тарзида ўтказиш //Ж. Тил ва адабиёт таълими. -1994.-№ 2-3. 36-37-бетлар.
14. Зуннунов А. Хайруллаев М., Ҳотамов Н., Шодиев Д. Ўрта Осиёда пелагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. –Тошкент, 1996. –350 бет.
15. Иноғомова С. Мантиқий фикрлаш // Ж. Бошланғич таълим. 2000. №2. – 20-21 бетлар.
16. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технология ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш. –ТДПУ, 2004. -35 б.
17. Каримова В. Психология. –Тошкент: Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. -203 б.
18. Каримова В., Суннатова Р., Тожибоева Р. Мустақил фикрлаш. – Тошкент: Шарқ, 2000. –112 б.
19. Нишонова З. Мустақил фикр ривожланганлигининг психологик мезонлари // Ж. Халқ таълими. – 2001. - №1. – 34-37-бетлар.
20. Сариев Ш. Мустақил фикрлашга ўргатиш // Ж. Бошланғич таълим. – 2000.-№2. -31-32 бетлар.
21. Форобий А.Н. Рисолалар. (Масъул муҳаррир Ҳайдаров М.М.) – Тошкент: Фан, 1975. – 144 б.
22. Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 222 бет.
23. Чориев А. Инсон фалсафаси. Иккинчи китоб. мустақил шахс. – Тошкент: Chinor ENK, 2002. - 271 б.
24. Юсупов Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 32 б.

25. Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдлик. (–Тузувчи муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очил).-Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 464 б.
26. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –180 б.
27. Ғозиев Э., Икромов Ж. Мустақил фикрлашнинг комилликка таъсири // Ж. Халқ таълими. – 2001. -№4. 31-37-бетлар.
28. Barron F., Harrington P., Gardner N. Creativity in tellijense and personality // Ann Rev. of PSUSHOL. V. 32. 1981. P.439-476.

#### **Интернет материаллари**

29. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
30. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)